


ч“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Агентлик директори

 А. Бурханов

2022 йил 30 июнь

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил II ярим
йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул шахслар
1.	Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш	1. Ўзбекистон Республикасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Миллий стратегиясини қабул қилиш бўйича ишларни якунлаш (Стратегия лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва Президент Администрациясига киритиш).	2022 йил сентябрь	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маърузани тайёрлаш	1. Олий Мажлис палаталарида Миллий маърузани кўриб чиқиш бўйича маълумотларни тайёрлаш; 2. Миллий маъруза бўйича Агентлик директорининг ахборотини тайёрлаш; 3. Президент Администрациясига киритиш чораларини кўриш.	2022 йил июль-сентябрь	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
3.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тегишли бандларининг ижросини таъминлаш	1. 2022 йилда бажарилиши лозим бўлган Агентлик масъул этиб белгиланган бандлар ижросини таъминлаш; 2. Давлат дастури ижроси бўйича ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашига ахборот киритиб бориш.	2022 йил июль-декабрь	Барча таркибий тармок раҳбарлари Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими

4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг йиллик фаолиятига оид ҳисоботни тузиш.	<p>1. Агентликнинг йиллик фаолиятига оид ҳисоботни тузиш;</p> <p>2. Йиллик ҳисоботни Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириш.</p>	2022 йил декабрь	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
5.	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш	<p>1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган барча давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд штат бирликларини малакали ходимлар билан тўлдирлишини назорат қилиш;</p> <p>2. Барча давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти натижаларини самарали таҳлил ва мониторинг қилиш имконини берувчи электрон платформани такомиллаштириш;</p> <p>3. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг ташкил этилиши ҳолатини ўрганиш.</p>	<p>2022 йил 1 август</p> <p>2022 йил 30 сентябрь</p> <p>2022 йил июль-декабрь</p>	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
6.	Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш	<p>1. Давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолаб бориш;</p> <p>2. Даврий равишда рейтинг натижаларини Агентлик расмий саҳифалари ҳамда ОАВда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	2022 йил июль-декабрь	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
7.	Коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш;</p> <p>2. Агентлик директорининг Олий Мажлис палаталари мажлисида мазкур масаладаги ахборотини тайёрлаш.</p>	2022 йил сентябрь	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси

8.	<p>Давлат харидлари соҳасидаги конунчилик талабларини четлаб ўтишда судлар ваколатидан фойдаланиш ва коррупциявий келишувларни олдини олиш</p>	<p>1. Давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари соҳасидаги конун талабларини бузган ҳолда талабгорлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва иктисодий судларда кўрилган ҳолатларни рўйхатини шакллантириш (<i>Тошкент шаҳри бўйича</i>); 2. Рўйхатда келтирилган давлат харидларига оид ҳужжатлар ва суд ҳужжатлари билан батафсил танишиб чиққан ҳолда ўрганиш; 3. Ўрганиш яқунлари бўйича тахлилий маълумот тузиш ва асослантилган таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил август</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси</p> <p>Шахсий хавфсизлик бўлими</p>
9.	<p>Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлашда бюджет маблағларини мақсадли сарфланишини ҳамкорликда ўрганиш</p>	<p>1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Олий суд ва алоқадар ташкилотлардан ишчи гуруҳ тузиш; 2. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрь 109-сонли “Тумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарори ижросини Тошкент шаҳри мисолида ўрганиш.</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси</p> <p>Шахсий хавфсизлик бўлими</p>
10.	<p>Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш</p>	<p>1. Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар, йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш чораларини кўриш, ижро натижалари бўйича Миллий кенгашга ахборот киритиб бориш; 2. Миллий кенгаш иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p> <p>2022 йил июль-декабрь</p>	<p>Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси</p> <p>Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими</p>

11.	Коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниклаш ва баҳолашга қаратилган “Е-Антикоррупция” лойиҳасини ишга тушириш	1. “Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни шакллантириш ва юритиш; 2. Реестр натижаларини Интернет тармоғида очик эълон қилиб бориш.	2022 йил сентябрь	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
12.	Давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниклаш ва баҳолашнинг аник мезон ва усулларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқлаш	“Давлат ташкилотларининг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тўғрисида”ги услубиётни тасдиқлаш бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғини ишлаб чиқиш. Буйрукни давлат рўйхатиндан ўтказиш ҳамда амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш.	2022 йил август	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
13.	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш орқали давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ҳолатларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш	Давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ҳолатларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Таклифларни Президент Администрацияси ва Миллий кенгашга киритиш	2022 йил август	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси
14.	Олий таълим, Капитал курилиш, Соғликни сақлаш ва Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш	1. Олий таълим, Капитал курилиш, Соғликни сақлаш ва Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харита”лари ижросини назорат қилиш; 2. “Йўл харита”лари ижроси бўйича таҳлилий маълумотларни Миллий кенгашга киритиб бориш;	Ҳар чоракда	Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
15.	Наманган ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги биргаликда Давлатобод ва Қарши туманида “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш	1. Давлатобод ва Қарши туманида “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳасини амалга	2022 йил октябрь	Коррупцияга қарши курашиш тизимини

		ошириш юзасидан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижросини мониторинг қилиб бориш; 2. Амалга оширилган ишлар бўйича Миллий кенгашга ахборот киритиш.	2022 йил ноябрь	таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
16.	Коррупцияга қарши курашиш агентлигига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб бориш	2022 йил 2-ярмида келиб тушган мурожаатларни чораклик ва йиллик кесимида таҳлил қилиш.	Доимий	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
17.	Ёшларни қўллаб қувватлаш жамғармаси маблағларининг мақсадли ишлатилишини ўрганиш	1. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва уларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш; 2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонунига асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан ер участкаларини ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш.	2022 йил июль-декабрь	Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш бошқармаси
18.	Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	1. “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни якунига етказиш; 2. “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2022 йил июль-декабрь	Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш бошқармаси
19.	Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш ахборот тизимини жорий этиш	1. Декларация тизимининг техник талаби асосида дастурни яратиш бўйича тендер (танлов) ўтказиш ва шартнома тузиш; 2. Декларация тизими учун зарур бўлган сервер қурилмаларини харид қилиш бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказиш ва шартнома тузиш.	2022 йил октябрь-ноябрь	Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш бошқармаси
20.	БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси обзорида ўтказишга оид ишларни ташкил этишни давом эттириш	1. Хорижий экспертларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш, шу жумладан тегишли давлат органлари ва бошқа	2022 йил июль-декабрь	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан

		ташкilotлар билан учрашувларини таъминлаш; 2. Обзор якуни буйича экспертлар ва БМТ ГЖБнинг якуний тавсияларини олиш ва уларни эълон қилиш масаласини ўрнатилган тартибда келишиш.		ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
21.	Коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш мавзусидаги эксперт давра суҳбатини ташкил этиш	1. Тадбирни ташкил этиш масалаларида халқаро ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш; 2. Ташкилий ишларни олиб бориш ва тадбирни ўтказиш.	2022 йил август	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
22.	II Тошкент коррупцияга қарши курашиш форумини юқори савияда ўтказиш	1. Форумни юқори савияда ўтказиш мақсадида Агентликнинг ишчи гуруҳини ташкил этиш; 2. Форумда хорижий экспертларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш; 3. Ташкилий ишларни амалга ошириш ва Форумни ўтказиш.	2022 йил сентябрь	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси Барча таркибий тармок раҳбарлари
23.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотлари билан амалга оширилаётган лойиҳаларни давом эттириш	Ҳамкорлик дастури ва лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш.	2022 йил июль-декабрь	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
24.	Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг қўламли Антикоррупция ҳафталигини ўтказиш	Медиа-режа ишлаб чиқиш ва унинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш.	2022 йил ноябрь-декабрь	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро

				ҳамкорлик бошқармаси
25.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ПФ-6247-сон фармон билан тасдиқланган Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан эълон қилинишини доимий мониторинг қилиш;</p> <p>2. Мониторинг натижалари бўйича камчиликларга йўл қўйган идораларга тақдимномалар киритиш.</p>	2022 йил июль- декабрь	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
26.	Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	Давлат органлари ва ташкилотлари учун ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил сентябрь	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
27.	Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаб боровчи комиссия фаолиятини ташкил этиш	<p>Агентлик ҳузурида баҳолаш фаолиятига масъул этиб белгиланган давлат органлари ва ташкилотлари вакилларида иборат таркибда Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссиясини ташкил этиш борасида ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>Комиссиянинг дастлабки йиғилишини ўтказиш, унда доимий аъзоларни тасдиқлаш ҳамда комиссия иш фаолиятига тааллуқли бошқа ташкилий чора-тадбирларга оид масалаларни кўриб чиқиш;</p>	2022 йил июль 2022 йил июль	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
28.	Қўллаш учун тавсиявий хусусиятга эга бўлган очиқликни таъминлаш соҳасида қонунчилик	Илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда, давлат органлари ва	2022 йил август	Давлат органлари ва ташкилотлари

	талабларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи намунавий шартларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш	ташкilotларининг очикликни таъминлашга масъул ходимлари билан шартномалар тузишда кўллаш учун тавсиявий хусусиятга эга бўлган очикликни таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликни белгиловчи намунавий шартларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш		фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
29.	Очиклик индексини баҳолаш жараёнларини Ягона идоралараро ахборот тизими (платформа) орқали йўлга қўйилишини таъминлаш	Очикликни таъминлаш бўйича мониторинг ўтказиш, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, шунингдек, Очиклик индексини баҳолаш жараёнларини камраб олувчи Ягона идоралараро ахборот тизими (платформа) ишлаб чиқиш ва йўлга қўйилишини таъминлаш.	2022 йил декабрь	Давлат органлари ва ташкilotлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
30.	Қонунчилик ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармонидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш	2022 йил август	Давлат органлари ва ташкilotлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
31.	Очикликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган давлат органлари ва ташкilotларига нисбатан чоралар кўриш	1. Давлат органлари ва ташкilotларининг очикликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш; 2. Ҳар йили фаолият йўналиши бўйича эришган асосий ютуқлар ҳамда давлат органлари ва ташкilotлари фаолиятида учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрлаш ва расмий веб-сайти орқали эълон қилиш	2022 йил июль	Давлат органлари ва ташкilotлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
32.	2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да	1. Давлат дастурида Агентлик масъул этиб белгиланган бандлар ижросини таъминлаш;	2022 йил июль-декабрь	Барча таркибий тармок раҳбарлари

	амалга оширишга оид Давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш	<p>2. Давлат дастури ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат дастури ижросига масъул вазирликларга ахборот киритиб бориш.</p> <p>3. Давлат дастури ижроси юзасидан расмий веб-сайтга тегишли маълумотларни жойлаштириш.</p>		<p>Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими</p> <p>Матбуот котиби</p>
33.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш	<p>1. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларини яқунлаш;</p> <p>2. Қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда Олий Мажлисида кўриб чиқилиши ва қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ва Агентлик таклифларини ҳимоя қилиш.</p>	2022 йил июль-сентябрь	Юридик хизмат
34.	Агентлик таркибий тузилмаларининг ички низомларини хатловдан ўтказиш	Таркибий тузилмаларнинг низомларини Агентлик фаолиятига тааллуқли бўлган ҳамда яқинда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўриб чиқиш. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги 729-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги 6247-сон фармони, 2021 йил 6 июлдаги 5177-сон қарори ҳамда 6257-сон фармони, 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ-34-сон қарори, 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори, 2022 йил 11 майдаги 240-сон қарорларига устувор аҳамият қаратиш.	2022 йил июль-август	Юридик хизмат
35.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституциявий Комиссияга таклифлар киритиш	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маърузани кўриб чиқиш тартиби ҳақида таклиф киритиш;</p> <p>2. Агентликнинг мақоми ва Агентлик директорини тайинлаш тартиби ҳақидаги норма бўйича таклифлар киритиш.</p>	2022 йил июль-сентябрь	Юридик хизмат

36.	Агентлик таркибий тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш	<p>1. Ходимларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш;</p> <p>2. Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси бўйича амалий семинарлар ташкил этиш.</p>	Доимий	<p>Юридик хизмат</p> <p>Кадрлар тармоғи</p>
-----	--	---	--------	---

Изоҳ: чора-тадбирлар режаси бажарилишини тизимли равишда назорат қилиш учун масъул шахслар ҳар янги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот топширишлари шарт.